

ШАРАФ ВА БУРЧ

Анкеталардаги қаерда ўқигансиз ва қаерда ишлагансиз, деган саволларга менинг жавобим битта — ҳозирда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб юритилаётган қутлуг даргоҳда олий ва аспирантура таълимини олганман, салкам олти йиллик умрим шу даргоҳда ўтди, номзодлик, докторлик илмий даражалари, профессорлик илмий унвони, кафедра мудирлиги лавозими, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Давлат мукофоти лауреати унвонларига шу даргоҳдаги хизматларим эвазига эришганман.

Ихтисослигим филолог-ўзбек адабиётшунослиги бўлгани туфайли XX аср иккинчи ярми миллий адабиётшунослигимизнинг дарғалари саналмиш Ф. Каримов, Н. Маллаев, С. Долимов, О. Шарафиддинов, М. Қўшжоновлар қўлида таълим олганим, қолаверса, улар сафида туриб ишлаганим билан фахрланаман. Ўтган аср 50-йиллари университетимиз республикада адабий-танқидий тафаккурнинг муҳим, балки, етакчи ўчоқларидан бирига айланган эди. Ўзбек адабиёти кафедраси мудир, моҳир ташкилотчи, бағри кенг аллома профессор Фулом Каримовнинг саъй-ҳаракати туфайли бу табаррук масканда ажойиб илмий жамоа шаклланди. Ҳар бири ўз дунёси, ўз йўли, ўз сўзига эга ёрқин истеъдодлардан иборат жамоада чинакам илмий руҳ, ошкора баҳс-мунозаралар муҳити ҳукмрон эди. Устоз Фулом Каримов эркин фикрлайдиган, баҳс-мунозараларга мойил, билимдон, фидойи ёшларга алоҳида эътибор берар, илмий жамоа сафини улар ҳисобига бетиним тўлдириб борарди. Камина, Абдуғафур Расулов, Норбой Худойбергенов, Бегали Қосимовлар шу улуг зотнинг назарига тушиб, бирин-кетин ўша жўшқин жамоа аъзолари сафидан ўрин олганмиз.

Менинг университетда топган энг катта бойлигим, бахтим шуки, мен Озод Шарафиддиновнинг биринчи аспирант шогирди бўлиш шарафига муяссар бўлганман. Ярим аср у билан бирга ишлаш, ҳам-қору ҳамнафас бўлиш мен учун Аллоҳнинг беназир инояти деб биламан. Мислсиз истеъдод соҳиби, шахси бутун бу сиймонинг ижодий жасорати туфайли Миллий университетимиз мамлакатимизда

замонавий илмий-адабий жамоатчилик тан олган адабий-танқидий тафаккур марказларидан бирига айланди.

1974 йили ўша пайтга қадар ўзбек адабиёти кафедраси бағрида фаолият кўрсатган замонавий адабиёт фани билан шуғулланувчи илмий жамоа «Ҳозирги ўзбек адабиёти» номи билан аталган алоҳида кафедра сифатида ажралиб чиқди. Аслида устоз Озод Шарафиддинов раҳбар бўлиши лозим бўлган бу кафедрага ўша кезлардаги вазият тақозосига кўра мен мудир этиб тайинлангандим; 26 йил шу кафедрага муттасил раҳбарлик қилишга тўғри келди. Бу йиллари кафедрада О.Шарафиддинов, А.Алиев, А.Расулов, Н.Худойберганов, С. Содиқов, Б. Каримов, Р. Қўчқоров, А. Улуғов, Д. Қурунов, У. Ҳамдам сингари истеъдодли мунаққид-адабиётшунослардан иборат илмий жамоа шаклланди. Кафедра аъзолари республикамиздаги адабий-танқидий тафаккур ривожига беқиёс ҳисса қўшдилар, Озод Шарафиддинов мактабига асос солинди.

Кафедра XX аср ўзбек миллий адабиёти тарихини ўрганиш йўлида катта ишларни амалга оширди. Истиқлол йилларида бу йўналишдаги тадқиқотлар янги босқичга кўтарилди. Кафедра қошида ташкил этилган, камина раҳбарлик қилган 20—30-йиллар ўзбек адабиётини ўрганиш илмий гуруҳи, сўнг миллий истиқлол ғояси ва ҳозирги ўзбек адабиётшунослиги, танқидчилиги тараққиёти тамойиллари (Озод Шарафиддинов ижоди асосида) гранти бўйича бажарилган ишлар илмий-адабий жамоатчиликка маълум. Янги ўзбек адабиёти намояндаларининг шўро даврида топталган шаънини тиклаш, улар меросини халққа қайтариш, XX аср адабиёти тарихини тубдан қайта баҳолаш, ҳолисона илмий ёритиш йўлида катта жонбозлик қилинди, «Абдулла Қодирийнинг бадиий олами» номи остида жамоа тўплами, камина қаламига мансуб «Қодирий боғи», «Ўткан кунлар ҳайрати», «Қаҳҳорни англаш машаққати», Озод Шарафиддиновнинг «Чўлпон», «Чўлпонни англаш» китоблари майдонга келди; Чўлпоннинг уч жилдан иборат «Асарлар»и, «Адабиёт надир?» тўплами чоп этилди. Республика Фан ва технологиялар маркази гранти бўйича 2003—2005 йилларда Озод Шарафиддиновнинг истиқлол йилларида яратган асарларидан иборат «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» китоблари нашрга тайёрланиб чоп этилди. 2007 йили бу китоблар Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ 1991 йил март ойида ташкил этилган мактаб адабий таълимини янгилаш бўйича тузилган ижодий гуруҳга раҳбарлик қилиш менга топширилди. Ижодий гуруҳ мактабда адабиёт ўқитишнинг янги концепциясини ишлаб чиқди, V-XI синф «Ўзбек адабиёти» бўйича янги дастур тузилди, шу дастур асосида ўқув қўлланмалари, сўнг дарсликлар яратилди.

Озод Шарафиддинов ва камина тузган, бизнинг иштирокимизда тайёрланган олий ўқув юртлари учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги республикамизда истиқлол ғоялари билан йўғрилган илк ўқув адабиёти сифатида юқори баҳоланди.

Янгиланган адабий-танқидий тафаккур руҳида тарбияланган илмий кадрлар тайёрлаш бобидаги хизматларимиз хусусида икки оғиз сўз айтиб ўтай. Кафедрада 50 дан зиёд фан доктори ва номзодлари тайёрланди. Мамнуният билан шуни таъкидлаш жоизки, Чўлпон ижоди бўйича илк номзодлик, докторлик диссертациялари айнан шу кафедрада тайёрланди. Кафедра мактабидан чиққан Ҳ. Болтабоев, Д. Қуронов, Б. Каримов, А. Улугов, У. Ҳамдам каби иқтидорли ёшлар бугунги кунда адабий танқидчилигимиз ва адабиётшунослигимизнинг пешқадам вакиллари бўлиб етишдилар.

Шахсан ўз фаолиятимга келганда шуларни эслатиб ўтсам, буни мақтанишга йўймасликларини илтимос қиламан: ҳозирга қадар 500 дан зиёд адабий-танқидий мақолаларим, 50 га яқин китобларим, дарслик, ўқув қўлланмаларим чоп этилди. Истиқлол йиллари «Қодирий боғи», «Ўткан кунлар ҳайрати», «Қаҳҳорни англаш машаққати», «Умидбахш тамойиллар», «Тафаккур ёғдуси», «Кўнгилларга кўчган шеърият», «Устоз ибрати», «Ижод сеҳри» китобларим ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу китобларнинг аксарияти танқидчи-адабиётшунос сифатида истиқлол давридаги миллий адабий жараёни қадам-бақадам синчиклаб кузатиб бориш, адабиётимизда пайдо бўлган янгича адабий-эстетик тамойилларни аниқлаш, бугунги адабий жараённинг назарий муаммоларини ечиш йўлидаги уринишлар натижасидир. Бевосита раҳбарлигимда икки фан доктори, 12 фан номзоди тайёрланди, 50 дан зиёд докторлик, номзодлик ишларига оппонентлик қилдим...

Тан олишим керак, шу пайтга қадар нимагаки эришган бўлсам, шу муқаддас даргоҳ — Миллий университетимиз туфайлидир, мен бу билан фахрланаман ва, айти пайтда, бу қутлуғ даргоҳ олдида ҳали кўп қарздор эканимни ҳеч қачон унутмайман.